O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2008 йил 3 январь, № 2 (4412) Пайшанба


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## Р. С. АЗИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ — МОЛИЯ ВАЗИРИ, ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР МАЖМУАСИ РАҲБАРИ ЭТИБ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Рустам Содиқович Азимов** Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Молия вазири, иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар мажмуаси раҳбари этиб тасдиқлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 29 декабрь

## ПРЕЗИДЕНТГА ТАБРИКЛАР

*Янги, 2008 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарларидан, халқаро ташкилотлар раҳбарларидан табрикномалар келиши давом этмоқда.*

**Шу мазмундаги табрикларни Литва Республикаси Президенти Валдас Адамкус, Молдова Республикаси Президенти Владимир Воронин, Норвегия Қироли Харальд V, Мальта Президенти Эдвард Фенеч Адами, Корея Халқ Демократик Республикаси Давлат Мудофаа қўмитаси раиси Ким Чен Ир, Мўғулистон Президенти Намбарин Энхбаяр, Янги Зеландия Генерал-губернатори Ананд Сатьянанд ва бошқалар йўлладилар.**

*Табрикномалар келиши давом этмоқда.*

## 2008 йил — Ёшлар йили



## БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

***Мамлакатимизда жамиятнинг барча жабҳаларини малакали кадрлар билан таъминлаш учун, Президентимизнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригида таъкидланганидек, юртимизнинг ишончи ва суянчи бўлган фарзандларимизга янада кенгроқ имкониятлар яратиб берилаётир.***

Ҳар йили ўнлаб мактаб, лицей ва коллежларнинг фойдаланишга топширилаётгани, уларнинг замонавий компьютер ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланаётгани фикримизни тўла тасдиқлайди.

Биз республика Адлия вазирлиги ҳузуридаги Тошкент юридик коллежи фаолияти билан танишиб, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Бу илм маскани мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими учун зарур ўрта малакали кадр-мутахассисларни тайёрлаб беради. Бугун коллежда 2600 нафардан ошиқ ўқувчиларга 174 нафар профессор-ўқитувчи сабоқ бермоқда. Таълимнинг юқори даражада ташкил этилгани, ўқувчиларнинг илмга чанқоқлиги коллеж эришаётган ютуқларда ҳам ўз аксини топган. Мана, икки йилдирки, унинг ўқувчилари "Конституция — бахтимиз пойдевори" республика кўрик-танловида биринчиликни бермай келмоқда.

Коллеж раҳбарияти мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни ёшларга тушунтириш, уларда фуқаролик муносабатини шакллантиришга хизмат қиладиган қатор тадбирларни ҳам уюштирмоқда. Натижада ўқувчиларнинг билим савияси, жамият ҳаётидан хабардорлиги ошаётир. Бу жамиятдаги барча янгиликлардан, замонавий фан-техника ютуқларидан бохабар, ўз мустақил фикрига эга ёшларнинг ушбу таълим масканида камол топаётганидан далолатдир.

**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганлигингиз муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Саудия Арабистони халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан энг самимий тилаклар ва эзгу истакларимни йўллашдан мамнунман. Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва равнақ тилаб қоламан.

Самимий эҳтиром ила,
Биродарингиз

**Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ол САУД,**
**Икки муқаддас масжид ходими,**
**Саудия Арабистони Подшоҳи.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланишингиз муносабати билан Сизга Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги халқи ва ҳукумати номидан энг самимий табрикларимизни етказишдан мамнунман.

Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва муваффақият, биродар ўзбек халқига давомий равнақ ва фаровонлик тилайман.

**АБДУЛЛА II,**
**Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганлигингиз муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий тилаклар ва эзгу истакларимни йўллашдан бағоят мамнунман. Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига эса тараққиёт ва равнақ тилаб қоламан.

Самимий эҳтиром ила,

**Султон бин Абдулазиз Ол САУД,**
**Саудия Арабистони Валиаҳди,**
**Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари,**
**мудофаа ва авиация вазири.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Яқинда бўлиб ўтган Президент сайловидаги порлоқ ғалабангиз муносабати билан Сизга самимий қутловларимни изҳор этиш мен учун буюк шарафдир. Сиз, Жаноби Олийларига берилган ғоят кўп сонли овозлар буюк мамлакатингизни моҳирлик ва оқиллик билан бошқараётганингизга бўлган ишончдан далолат беради. Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 16 миллиондан ортиқ сайловчининг аксарияти сайловда иштирок этгани Ўзбекистон халқининг сиёсий етуклигини кўрсатди. Шунингдек, бу уларнинг демократик ҳис-туйғуларидан ҳам далолатдир.

Жаноби Олийлари, Сиз қайта сайланганингиз туфайли Ўзбекистон мамлакатни юксак уфқларни забт этишга олиб келган изчил ва оқил сиёсатга бундан кейин ҳам содиқ бўлиб қолади. Барча соҳалардаги яққол тараққиёт ва ривожланиш кўп йиллар давом этаверади. Мутлақ ишончим комилки, Ўзбекистон Сизнинг шижоатли раҳбарлигингиз остида минтақамизнинг муҳим мамлакати сифатида ўзини намоён қилиб бораверади.

Жаноби Олийлари, Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлик ва бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига эса доимий тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган эзгу истакларимни лутфан қабул қилгайсиз.

**Хуршид АНВАР,**
**Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти Бош котиби.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб қайта сайланишингиз – халқингизнинг ўз раҳбарига юксак ишончи ва эҳтиромининг яна бир тасдиғи муносабати билан самимий табрикларимни йўллаш шарафига муяссар бўлаётганимдан беҳад мамнунман.

Чуқур заковатингиз ва улкан тажрибангиз ила биродар ўзбек халқининг равнақ ва фаровонликка эришиш йўлидаги орзу-истакларини рўёбга чиқаришда янги салмоқли натижаларга эришасиз, дея ишонч билдираман.

Ўзбекистон Республикаси ва Ислом Конференцияси Ташкилоти ўртасида мустаҳкам алоқалар шаклланганлигини мамнуният билан қайд этиб, ушбу ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун бор кучимни сафарбар этишга тайёр эканлигимни изҳор этмоқчиман.

Аминманки, Сизнинг оқилона раҳбарлигингиз остида Ўзбекистон Республикаси мусулмон уммати олдида турган масалаларни адолатли ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатларни бундан буён ҳам қатъият билан қўллаб-қувватлайверади.

Яратган Аллоҳдан буюк мамлакатингизга хизмат қилишдек шарафли фаолиятингизга каттадан-катта муваффақиятлар ато этишини сўраб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган бағоят юксак ҳурмат-эҳтиромимни лутфан қабул этгайсиз.

**Акмалиддин ЭҲСОН ўғли,**
**Ислом Конференцияси Ташкилоти Бош котиби.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига Сизнинг яқинда қайтадан сайланганингиз муносабати билан ўз табрикларим ва самимий қутловларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Алоҳида ҳиссиёт билан мен Сиз, Жаноби Олийларининг севикли мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш йўлидаги ғайрат-шижоатингиз ва улкан саъй-ҳаракатларингиз гувоҳи бўлганман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган доимий ҳурмат ва қўллаб-қувватлаш ҳис-туйғуларим изҳорини лутфан қабул қилгайсиз.

Самимият ила,
Биродарингиз

**Абдул Ҳамид ПАВАНТЕ,**
**Малайзия Сенати Президенти.**

(Давоми 2-бетда).

***Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида солиқ юкини камайтириш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган сиёсат ўз самараларини бермоқда.***

## ЯНГИ СОЛИҚ КОДЕКСИГА БАҒИШЛАНДИ

Даромад солиғи, ягона ижтимоий тўлов, кичик бизнес субъектлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун ягона солиқ миқдори йилдан-йилга камайтирилаётир. Жисмоний шахслар даромадининг солиқ ставкаси эса сезиларли даражада қисқартирилди.

Бу борадаги ишлар, хусусан, қонунчиликни замон талабига мос тарзда такомиллаштириш изчил давом эттирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартда қабул қилинган "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ тайёрланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси сенаторлар томонидан маъқулланганини бу фикрнинг исботидир.

(Давоми 2-бетда).

## ИШОНЧ ВА СУЯНЧ

***Бугун мамлакатимизда ёшларга яратиб берилаётган имкониятлару эътиборни кўриб, баъзан қани энди, мен ҳам яна ёш бўлиб қолсам, дейман. Бунинг жиддий сабаблари бор. Ҳаётнинг жўшқин онлари, унутилмас хотираларию ширин дамлари айнан ёшлик билан боғлиқ. Уни мазмунли ўтказишга, эртанги кунга муносиб пойдевор яратишга бўлган эътибор бизнинг ёшлигимиз кечган шўро даврида кўнгилдагидек бўлган эмас. Бугун эса ёшларга ғамхўрлик том маънода давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Менда ҳозирги ёшларга бўлган ҳаваснинг уйғонишига ҳам уларга ана шу имкониятларнинг яратиб берилаётгани сабабдир.***

Мана, 2008 йилни ёруғ юз билан қарши олдик. Бу йил "Ёшлар йили" деб эълон қилинган. Президентимизнинг куни кеча халқимизга йўллаган Янги йил табригида ҳам ўсиб келаётган ёш авлодга катта умидлар билдирилган. Эътиборни тортадиган жиҳати шундаки, ёшлар масаласи ҳамиша Юртбошимиз диққат марказида турибди.

Бугунги кунда қабул қилинган бир қанча давлат дастурлари асосида бажарилаётган бунёдкорлик ишлари шу мақсадга қаратилган. Қатрада қуёш акс этганидек, бу ўзгаришлар бизнинг Сурхон воҳамизда ҳам яққол намоён бўлаётир. Вилоятимизнинг барча туманларида замонавий касб-ҳунар коллежлари ёшларни ўз бағрига олган. Уларда малакали мутахассислар таълимини олган йигит-қизларимиз олий ўқув юртларида турли йўналиш ва мутахассислик бўйича таҳсил кўришмоқда.

Юртбошимиз фарзандларимизнинг замонавий билим ва тарбия олиши — олдимизга қўйган мақсадимизнинг фақатгина бир қисми эканлигини англаб олишимиз кераклигини алоҳида уқтирдилар. Масаланининг иккинчи қисми, яъни йигит-қизларимизнинг олган билими ва касбини амалда намоён этиши, ўқув юртларини битириб чиқаётган болаларимизнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллаши учун кўмак ҳамда кенг имкониятлар туғдириб бериш масаласи эътибордан четда қолиб келаётганини таъкидладилар.

Президентимизнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригида олдимизда турган юксак марраларга етишда бизнинг ишончимиз ва суянчимиз бўлган жондан азиз фарзандларимизга янада кенгроқ йўл очиб бериш ҳар томонлама муҳим аҳамият касб этаётганини бугунги кунда барчамиз чуқур ҳис этаётганимиз таъкидланган. Имоним комилки, ана шу ниятлар, албатта, ўз ижобатини топади, халқимиз орзуси ушалади.

**Панжи МУСТАПОВ,**
**Музработ агросервис касб-ҳунар коллежи директори,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

▼ **Дил изҳори**

***Президентимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табригини телевизор орқали катта мамнуният билан тингладик. Кўз олдимдан ортда қолган йил бўй-басти билан ўта бошлади. Қувончу шодликлар, ташвишу машаққатлар... Айниқса, 2007 йил "Тайимбет" фермер хўжалигимиз учун омадли келди. Биз "Ташаббус-2007" республика кўрик-танловида "Энг яхши фермер" йўналишида ғолиб чиқиб, Президент совғасини қўлга киритдик.***

## ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА ТОЛМАЙМИЗ

Қолаверса, иқтисодиётимизнинг юксалишида, хусусан, қишлоқ хўжалигида 6,1 фоиз ўсишга эришишда мамлакатимиздаги минглаб фермер хўжаликлари қаторида бизнинг хўжаликнинг ҳам оз бўлса-да, улуши борлигидан хурсандмиз. Фермерлар учун яратилган имкониятдан оқилона фойдаланиб, бугунги кунда пахта ва ғалла етиштириш билан чекланиб қолмай, полиз ва сабзавотчилик, боғдорчилик ва чорвачиликни ҳам йўлга қўйганмиз. Бундан ташқари, балиқчиликни ўзлаштириб, эл дастурхонига йилига 10-15 тонна маҳсулот тортиқ қиляпмиз. Шу боис, даромад ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Масалан, 2005 йилда 250 миллион сўм харажат қилиб, 453 миллион сўм даромад олган бўлсак, 2006 йилда соф фойда 341 миллион сўмга етди. 2007 йил якуни бўйича даромадимиз бундан кам бўлмаслигини чамалаб турибмиз.

Бошланган йилдаги ниятларимиз эса янада улкан. Унга етишиш учун биздан фидокорона меҳнат талаб қилинади, холос. Табрикда ҳам Юртбошимиз бу масалага алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деди: "Келгуси йилда олиб бораётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва самарасини ошириш, республикамизга инвестициялар ва замонавий технологияларни олиб кириш ҳисобидан давлатимизнинг куч-қудрати ва иқтисодиётини янада юксалтириш, халқимиз фаровонлигини ошириш, унинг тинч ва осуда ҳаётини асраш, тараққиётимизнинг таянчи бўлмиш кичик бизнес, фермерлик ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун зарур имконият ва имтиёзлар яратиш, одамларнинг ўз меҳнати натижасидан кўпроқ баҳраманд бўлишини таъминлашга қаратилган вазифалар эътиборимиз марказида бўлади". Бу устувор вазифаларнинг ижроси — юртимиз равнақи, халқимиз маъмурчилигини оширишга хизмат қилиши турган гап.

**Сарсенбай СЕЙТНАЗАРОВ,**
**Тахтакўпир туманидаги "Тайимбет" фермер хўжалиги раҳбари.**

## ИНСОН ҲАЁТИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

***Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йил 1 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармонига биноан, мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан ўлим жазоси бекор қилинди***

Ватанимизда янги йил эл-юртимиз ҳаётидаги муҳим ва унутилмас воқеалар билан бошланди. 2007 йилнинг 23 декабрида холислик, очиқлик ва ҳаққонийлик руҳида ўтган Президент сайлови, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг халқимизга янги йил табригида таъкидланганидек, Ўзбекистонда эркин демократик давлат, инсон манфаати ва ҳуқуқларини устун қўядиган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида катта мактаб ва янги босқич бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ, 2008 йилнинг дастлабки кунидан бошлаб мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинди ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилди. Бундан буён умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинланади. Бунда жазонинг мазкур тури хотин-қизларга, 18 ёшга етмаган ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланмайди.

Хорижий экспертлар ва юртимиз мутахассисларининг эътирофича, Ўзбекистонда ўлим жазосини қўллашга доир жиноят қонунчилиги сиёсати жаҳонда кечаётган жараёнларга тўлиқ мос, Конституциямиз моҳиятидан келиб чиқадиган инсонпарварлик тамойилини ўзида тўла акс эттиради. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, инсонга, унинг ҳаётига ҳамиша буюк неъмат сифатида қараб келган халқимизнинг маънавий қадриятлари ҳам шуни тақозо этади.

(Давоми 2-бетда).

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан самимий қутловларимни изҳор этиш менга катта мамнуният бахш этади. Ўзбекистоннинг янада ривожланиб, тараққий этиши йўлида давом этадиган раҳбарлигингизда Сизга кўпдан-кўп муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасида анъанавий яқин ва дўстона муносабатлар мавжуд. Ишончимиз комилки, биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатлар келгуси йилларда ҳам ривожланиб бораверади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак ҳурмат-эҳтиромимни лутфан қабул қилгайсиз.

**Манмоҳан СИНГХ,**
**Ҳиндистон Бош вазири.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига янги муддатга сайланганингиз муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий қутловларим ва энг эзгу тилакларимни йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, таъкидлаб ўтмоқчиманки, биродар мамлакатларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстона муносабатларни юксак қадрлайман.

Халқларимиз манфаатлари йўлида ҳамкорликни янада ривожлантиришга ва биргаликдаги саъй-ҳаракатларга қатъий равишда интилишимни таъкидлашдан беҳад хурсандман.

Жаноби Олийлари, Сизга муваффақият ва фаровонлик тилайман.

Қодир Аллоҳдан Сизга мустаҳкам соғлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистонга тараққиёт ва равнақ ато этишини сўраб қоламан.

Эзгу тилаклар ила,

**Носир ал-Муҳаммад ал-Аҳмад ал-Жобир Ас-САБОҲ,**
**Кувайт Давлати Бош вазири.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ,

Халқ ишончини қозониб, Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллашдан бағоят мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Аллоҳ таоло мадади билан халқингиз тараққиёти ва фаровонлиги ҳамда мамлакатингиз юксалиши йўлида хизмат қилишдек масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Президент Жаноби Олийлари, юксак ҳурмат ва эҳтиромларимни қабул этгайсиз.

**Доктор Абдулазиз бин Усмон ат-ТУВАЙЖИРИЙ,**
**Таълим, илм-фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ISESCO) бош директори.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганингиз муносабати билан Сизни самимий қутлайман, халқингиз ва Ватанингизга қиладиган буюк хизматингизда Аллоҳ мададкор бўлишини тилаб қоламан.

Сиз, Жаноби Олийлари зиммасига яна бир бор юкланган улуғ вазифада Сизни содиқ ўғлон ва синалган раҳбар деб билаётган ўзбек халқининг оқиллиги, миннатдорлиги ва узоқни кўра билиши намоён бўлди.

Дарҳақиқат, ўзбек халқининг буюк бахти шундаки, туб ўзгаришлар ва ларзаларга тўла бир масъулиятли даврда айни Сизнинг сиёсий иродангиз, тажрибангиз, зийрак ва оқиллигингиз туфайли кўпгина кулфат ва офатларнинг олдини олишга, ривожланиш ва тараққиёт йўлига дадил қадам ташлашга муваффақ бўлинди.

Сизни ҳақли равишда икки юз йилликнинг Президенти деб аташим билан бир қаторда, ишончим комилки, иншооллоҳ, мустақил Ўзбекистоннинг XXI асрдаги равнақи ҳам, шунингдек, Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг чин дўстона ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлиги тантанаси ҳам адолат юзасидан Сиз, Жаноби Олийларининг номингиз ва улкан фаолиятингиз билан боғланажак.

Муҳтарам Президент Жаноблари, Сизни яна бир бор муборакбод этаман, халқингиз ва Ватанингизга қиладиган буюк хизматингизда Яратгандан куч-қувват ва баракотлар ато этишини тилаб қоламан.

Камоли эҳтиром ила,

**Шайх-ул-ислом Оллоҳшукур ПОШШОЗОДА,**
**Кавказ Мусулмонлари идораси раиси.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Дўст Ўзбекистон давлати Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан энг эзгу ва самимий қутловларимни изҳор этиш менга катта мамнуният бахш этади.

Афғонлар қўшни дўст Ўзбекистон билан мавжуд алоқаларга катта эътибор берадилар.

Умид қиламанки, Сизнинг доно раҳбарлигингизда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ва ўзаро ҳамкорлик истиқболда янада кенгаяди ҳамда ортиб боради.

Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, дўст Ўзбекистоннинг биродар халқига эса бахт-саодат ва тараққиёт тилаб қоламан.

**Ҳомед КАРЗАЙ,**
**Афғонистон Ислом Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Самимий саломлардан сўнг

Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайтадан сайланганлигингиз муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини самимий табриклаш шарафига муяссарлигимни билдираман. Қайтадан сайланганлигингиз ўзбек халқининг Сизга бўлган чуқур эҳтироми ва ишончидан далолат беради.

2007 йилнинг августида виқорли мамлакатингизга амалга оширган ташрифим ва Сиз, Жаноби Олийлари билан ўтказган самарали мулоқотни хурсандчилик билан эслашимни таъкидлайман. Мазкур мулоқот араб давлатларининг Ўзбекистон билан мустаҳкам тарихий алоқаларини акс эттириб, икки томоннинг муштарак манфаатлар йўлида ушбу алоқаларни янада мустаҳкамлашга интилаётганини кўрсатди.

Президент Жаноби Олийлари,

Сизга самимий қалбий табрикларимни яна бир карра изҳор этиб, ўзбек халқи тараққиёти ва фаровонлиги йўлида амалга ошираётган масъулиятли ва саховатли ишларингизга муваффақият, зафарлар ва ютуқлар тилаб қоламан.

Сиз, Президент Жаноби Олийларидан самимий эҳтиромларимни қабул этишингизни сўрайман.

**Амр МУСО,**
**Араб давлатлари лигаси Бош котиби.**

---

*Ахборот-коммуникация технологиялари:*

# ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ АСОСИ

***Истиқлол йилларида жамиятимизнинг барча жабҳаларида кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жумладан, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларни ахборотлаштириш, почта ва телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Мавжуд туман ва шаҳар марказларини замонавий рақамли телекоммуникация тармоқлари билан таъминлаш, иқтисодиётнинг кўплаб институтларида электрон ҳужжат айланиши тизимларини такомиллаштириш юзасидан қилинган ишлар ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир. Мухбиримизнинг Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бўлим бошлиғи Файзулла АГЗАМОВ билан суҳбати шу хусусда.***

**— Бугун бутун дунёда, хусусан, юртимизда ҳам ахборот-коммуникация технологиялари(АКТ)нинг ўрни тобора ортиб бораяпти. Қолаверса, ахборот алмашинуви тизими мутлақо янги босқичга кўтарилди. Айтинг-чи, бунда асосий эътибор кўпроқ қайси йўналишларга қаратилмоқда?**

— Таъкидлаш жоизки, ахборотлаштириш соҳасидаги ислоҳотлар, замонавий ахборот технологиялари ва телекоммуникация тизимларини ривожлантириш масаласи мамлакатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар асосида олиб борилмоқда. Яъни, бунда фақат бир йўналишнигина эмас, балки республика иқтисодиёти ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиш бош мақсад қилиб олинган. Ҳозир ана шулардан келиб чиқиб, маълум ишлар амалга оширилмоқда.

Аввало, бой тарихий ва маданий меросимиз, маънавиятимиз ҳамда менталитетимизга мос миллий ахборот муҳитини шакллантириш мақсадида республикамиз аҳолиси ва давлат органлари манфаатларини кўзлайдиган ахборотлаштириш йўналишидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилди. Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик ҳамда жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада яхшилаш учун давлат органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат интерактив хизматлари, ахборот ресурслари ва тизимлари рўйхати барқарорлик касб этмоқда.

**— Шу ўринда табиий савол туғилади: хўш, бу масалада дунё амалиёти тажрибасида қандай ҳолатлар кўзга ташланади?**

— Келинг, айрим мисолларга мурожаат этайлик. Жаҳоннинг бир қатор тараққий этган давлатларида ахборот-коммуникация технологиялари ва иқтисодий ўсиш муносабатларида ўзаро боғлиқлик мавжуд. Хусусан, «Economist Intelligence Unit» мутахассисларининг 60 та мамлакатда олиб борган изланишлари айнан ривожланган давлатлардагина ахборот-коммуникация технологиялари иқтисодий ўсиш билан ҳамоҳанг эканлигини кўрсатди. Ривожланаётган мамлакатларда эса ахборот-коммуникация технологиялари таъсири кам бўлиб, мазкур соҳа ялпи ички маҳсулотнинг жон бошига ўсишини таъминлаши фақатгина АКТнинг тараққий этиши маълум бир чегарага етгандан кейингина амалга ошишини англатмоқда. Мисол учун, ахборот-коммуникация технологияларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши АҚШда 7,2, Европа Иттифоқида 5,6 фоизни ташкил этади. Мазкур соҳани ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар миқдори эса АҚШда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4,2, Европа Иттифоқида 2,4 фоизга тенг.

АКТ соҳасида илмий тадқиқотлар учун сарфланган харажатларга келсак, Америкада бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,8, Европа Иттифоқида 2, Японияда 3 фоиздан иборат.

Халқаро тажрибадан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, давлат бошқарувида АКТни қўллаш унинг самарадорлигини, жумладан, ахборотнинг ўзаро таъсири, қайта ишланиши ва изланишини амалга ошириш учун вақтнинг қисқариши ҳисобига 20 фоиз ошириш имконини беради.

**— Бу нималарда ўз аксини топади?**

— Айтайлик, бунда ахборот алмашинувининг электрон усулидан фойдаланишда сарф-харажатлар ўн баробарга қисқаради. Идораларда техник ходимлар бир қисмининг камайтирилиши ҳисобига эса давлат бошқарувида харажатларнинг ҳам қисқаришига эришилади. Фуқароларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатининг самарали ташкил этилиши таъминланади ва мурожаат давомийлиги ўртача 12 баробарга камаяди. Яъни, 4 соатдан 15-20 дақиқагача. Электрон савдо тизимини яратиш, тайёрлаш, ўтказиш ҳамда сотишни ташкил этиш учун ажратиладиган бюджет маблағларини эса йигирма фоиздан қирқ фоизгача иқтисод қилиш имконини беради. Шунингдек, солиқ тизимида АКТни қўллаш давлат бюджетига солиқ тушумлари даражасини ўртача 10 фоизга оширади. Электрон нусхадаги ахборот ҳажми ҳар уч йилда икки маротаба кўпаяди. Электрон ахборот ҳажмининг ошиши билан бирга, қоғозли ҳужжатлар сони ва ҳужжат алмашинувининг ҳажми ҳам юксалади.

**— Маълумки, давлат мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий ташкилотчиси ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, айтинг-чи, республикамиз давлат ва хўжалик бошқаруви органларида айнан АКТни кенг жорий этиш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Мана бу рақамлар ҳам фикримизни тасдиқлайди: айни вақтда давлат бошқаруви органларининг 97 фоизи ўз веб-сайтига эга. Локал компьютер тармоқлари 90 фоизни ташкил этмоқда. Давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари ходимларининг компьютер саводхонлиги бўйича билим даражаси эса салкам 84 фоизга тенг.

Давлат бошқарувида АКТ қўлланилишини янада ривожлантириш мақсадида ҳукуматимиз қарори билан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг веб-саҳифаларига расмий мақом берилди. Шунингдек, миллий ахборот-қидирув тизими яратилди, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг веб-саҳифаларини Интернетда бехатар жойлаштириш учун махсус

**▼ Ислоҳот**

ҳимояланган технологик майдон яратилди. Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш мақсадида, ҳукуматнинг махсус қарорига асосан, давлат органларининг 49 та интерактив хизмат турлари тасдиқланди. Бундан ташқари, электрон тижоратни ривожлантириш, ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказларини ташкил этишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

**— Сўнгги йилларда аҳолига кўрсатилаётган алоқа хизматларининг нафақат тури, балки сифати ҳам анча ошди. Бугун юртдошларимиз ана шу қулайликлардан эркин фойдаланиш имкониятига эгалар. Айтайлик, дунёнинг исталган бурчаги билан алоқа ўрнатмоқчи бўлсак, марҳамат, рақамли телекоммуникация тармоғи хизматимизга шай турибди. Ёки Интернетни олайлик. Бизни қизиқтирган бирор янгилик ёхуд маълумот керак бўлса, қандайдир сониялар ичида бунга ҳам эга бўла оламиз. Мана шундай қулайликларни яратиб бериш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Шундай эмасми?**

— Дарҳақиқат, дунёнинг бир қатор давлатларида мазкур яхлит тизимни замонавий асосда шакллантиришга ҳамиша эътибор катта. Сиз айтаётган ўша телекоммуникация тармоғи, Интернет ёки ушбу йўналишдаги бошқа хизматлар имконияти доимий равишда кенгайтириб борилади. Ана шу ишлар негизида, ҳеч шубҳасиз, халқ манфаати ётади.

Бизда ҳам одамларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитга эга бўлишини таъминлаш мақсадида махсус дастур асосида юқорида таъкидланган ишлар ташкиллаштирилмоқда. Асосий эътибор янги хизмат турларини жорий этиш ва ривожлантиришга қаратилган. Аҳолига кўрсатиладиган алоқа хизматлари ҳажмининг ошиб бораётгани ҳам шундан далолат бериб турибди. Ўз навбатида, бу хизматлардан фойдаланишга бўлган талаб ҳам ортиб бораяпти. Масалан, бугун Интернетдан фойдаланувчилар сони 1 миллион 904 минг кишидан ошди. Жамоа фойдаланиш пунктлари эса 740 тани ташкил этмоқда.

**— Ахборот ресурсларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ягона технологик майдон ҳам ташкил қилинган дедингиз. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот бериб ўтсангиз.**

— Атамадан ҳам маълумки, бу ахборот ресурсларининг хавфсизлигини таъминловчи майдон ҳисобланади. Ушбу майдонда давлат органларининг расмий сайтлари бепул жойлаштирилади. «UzCERT» хизмати томонидан ҳар чоракда барча вазирлик ва давлат ҳокимияти органлари серверлари ва веб-сайтлари ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ келиш-келмаслиги текширилади. Интернет тармоғи миллий сегменти фойдаланувчиларининг веб-ресурсларини текшириш билан бирга, қайта алоқа тизими ва бошқа алоқа каналлари келиб тушган талабномалар асосида мунтазам равишда текширувлар олиб борилади. Лекин бу, ўз навбатида, айрим камчиликларни ҳам келтириб чиқаради.

Замонавий, ишончли ва ахборот хавфсизлигини таъминловчи миллий маълумотлар базаларини яратиш, ахборот ресурслари ва тизимларини ривожлантириш, ахборот алмашинувининг электрон шаклларига изчиллик билан ўтиш учун ваколатли орган сифатида янги Марказ ташкил этиш ҳамда ушбу Марказнинг асосий вазифаси этиб Давлат ахборот реестрини яратиш мақсадга мувофиқдир. Марказ фуқаронинг ҳаёт даврида тегишли бўлган маълумотларини вазирлик ва идоралардан йиғиб, ягона бўлган базада сақлайди. Мисол тариқасида айтиш мумкинки, янги чақалоқ туғилганида маълумотнома (Соғлиқни сақлаш вазирлиги), туғилганлик ҳақида гувоҳномани олиши (Адлия вазирлиги), паспортга эга бўлиши (Ички ишлар вазирлиги), ҳарбий хизматга оид маълумотлар (Мудофаа вазирлиги), солиқларни тўлов варақаси (Давлат солиқ қўмитаси) ҳақида тегишли маълумотлар ва шу усулда барча вазирлик ҳамда идоралардан ахборотлар киритиб борилади. Бу базадаги маълумотларни ўрнатилган тартибда кўриш имконияти яратилади. Албатта, бундай Марказ замонавий дастурий таъминот, ишончли ва хавфсиз ҳамда ахборот алмашинуви учун юқори тезликдаги маълумотлар узатиш тизими билан таъминланиши лозим.

**— Айтинг-чи, юртимизда ахборот-коммуникация технологияларини иқтисодиётнинг турли секторларида кенг жорий этиш учун нималарга эътибор қаратиш керак?**

— Бунинг учун, аввало, давлат бошқаруви ва иқтисодиётнинг реал сектори соҳаларида ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва қўллаш бўйича қабул қилинган амалий чора-тадбирларни қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органларининг бюджет-смета харажатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда АКТга ҳамда уни татбиқ этишга йўналтирилиши лозим бўлган молиявий манбаларни инобатга олиш лозим. Шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминлаш йўналишида комплекс иш режалари, унинг ягона сиёсатини ишлаб чиқишни ташкиллаштиришда, миллий ахборот маконида, давлат органларида, жумладан, давлат корхоналари, жамиятлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмаларида автоматлаштирилган (марказлашган) тизимни яратиш ҳамда улар асосида давлат ахборот ресурсларни янада кўпроқ ривожлантириш, давлат интерактив хизматларини жорий этишни тезлаштириш керак.

**Б**ундан ташқари, ахборот-коммуникация тизимлари ривожланган инфратузилма (транспорт, банк, энергетика, телекоммуникация ва бошқа соҳаларда) ахборот хавфсизлигини таъминлаш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилашга, нархни пасайтириш ва турларини кўпайтиришга имкон берувчи ахборот-хизмат инфратузилмасини янада ривожлантириш, фуқароларга АКТдан фойдаланишга кенг имкониятлар яратишни жадаллаштириш зарур. Давлат хизматчиларини АКТдан фойдаланиш бўйича тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан олиб борилаётган ишларни кучайтириш, барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши ҳолатини баҳолаш мақсадида бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнларида ахборот технологияларини жорий этиш даражасини аниқловчи методика асосида тегишли таҳлилий ва ҳисоб-китоб материалларини тақдим қилишни амалиётга киритиш орқали, иқтисодиёт соҳаларида ахборот технологиялари ҳамда автоматлаштириш воситаларини жорий этиш самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона методикани ишлаб чиқиш олдимизда турган асосий вазифалардан бири, деб ҳисоблаймиз.

**Шавкат ОРТИҚОВ**
**суҳбатлашди.**

---

# ЙЎЛОВЧИ МАНФААТИ — УСТУВОР

— Меҳнат фаолиятимни шу корхонада чилангарликдан бошлаганман, — дейди пойтахтимиздаги 8-автосарой раҳбари Фазлиддин Зокиржонов. — Ҳозир ёшим 37 да. Катта гапираяпти, деманг-у, ҳайдовчиларнинг тили билан айтганда, ҳозир "зўр" замонда яшаяпмиз. Узоққа бормайлик, саройимиздаги автранспорт воситаларини санайман: хорижда ишлаб чиқарилган 55 та "Мерседес-бенц-4045", 20 та"-Мерседес-бенц 0345", 20 та ўзимизда японияликлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилаётган "Исузу", 3 та "Мерседес-бенц-03445 V", яна айтайми? Бу қулай ва шинам автобуслар шаҳримиз бўйлаб 11 йўналишда йўловчиларга хизмат кўрсатаяпти. Кунига 35-40 минг кишини манзилига етказиб қўямиз. 520 кишидан иборат аҳил, ишчан, масъулиятли жамоамиз бор. Худога шукур, камчилигимиз йўқ. Корхонамизда ўртача маош 200 минг сўмдан зиёд. Кундан-кунга чирой очиб бораётган юртимиз кўчаларига яна бир чирой қўшаётган кўркам автобуслар, ўйлайманки, халқимизнинг дилини яйратади, унга ўзига хос қувонч бағишлайди.

**▼ Хизмат**

Дарҳақиқат, шундай. Жаҳонга машҳур "Мерседес-бенц" автобуслари Марказий Осиёда илк бор Тошкент кўчаларида йўловчиларга хизмат кўрсата бошлаган. Бугун ана шундай автобуслар мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида эл хизматини аъло даражада бажармоқда. Бинобарин, улар сафига Самарқандда ишлаб чиқарилган жаҳон андозаларидаги "Исузу" автобусларини ҳам қўшсак, соҳадаги ўзгаришлар нақадар кенг миқёсли эканлигига амин бўламиз.

**А. ҚУТБИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**СУРАТДА:** аҳоли хизматига шай автобуслар.

**Б. АКРАМОВ олган сурат.**

---

# ЯНГИ СОЛИҚ КОДЕКСИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Янги Кодекс 2008 йил 1 январдан кучга кирди. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида шу муносабат билан соҳа вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирокида семинар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. Парпиев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмитаси раиси А. Аҳадов, Сенат аъзоси А. Алтиев, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А. Шайхов ва бошқалар ушбу ҳуқуқий ҳужжат солиқ сиёсатини шакллантиришнинг амалиётда синовдан ўтган принциплари асосида тайёрланганини таъкидладилар.

Янги Солиқ кодекси қабул қилиниши билан шу йил 29 декабрда матбуотда "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам эълон қилинди.

Анжуманда йиғилганларга қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти тўғрисида атрофлича маълумот берилди. Тадбиркорларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

---

# ИНСОН ҲАЁТИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўлим жазосини бекор қилишга оид жараён юртимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг яна бир самараси эканини алоҳида қайд этиш ўринлидир. Бунда, Президентимиз Ислом Каримов 2005 йил 1 август куни имзолаган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармон мамлакатимизда инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, яшаш ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлаш йўлида муҳим қадам бўлганини таъкидламоқ даркор.

Ўтган даврда тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ушбу Фармонда қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида зарур чора-тадбирлар белгиланиб, изчил амалга оширилди. Президентимизнинг 2006 йил 29 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойиши бу борада амалга оширилган ишлар самарадорлиги таъминланишида муҳим омил бўлди.

Эътиборли жиҳати шундаки, жиноий жазоларни янада либераллаштириш борасидаги ислоҳотларнинг моҳияти, шу жумладан, ўлим жазосини бекор қилиш заруратини фуқаролар онгу шуурига сингдириш борасида изчил тарғибот ишлари олиб борилди. Зотан, инсоният ўз тарихининг аксарият қисмида оғир жиноятлар учун ўлим жазосини қўллаб келганлигини назарда тутсак, ўлим жазосини бекор қилишда аҳолининг фикрини албатта ҳисобга олиш қанчалик муҳим экани яққол равшан бўлади.

Қонунчилигимизга жиноий жазолар тизимидан ўлим жазоси чиқариб ташланиб, унинг умрбод ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилишини таъминлайдиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Олий Мажлис Сенати 2007 йил 29 июнда маъқуллаган "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун давлатимиз раҳбарининг қайд этилган фармони ижросини таъминловчи асосий меъёрий ҳужжат бўлиб, унда ана шу жазоларни тайинлаш, ижро этиш тартиби белгилаб берилди.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши давлатимизнинг бу борадаги сиёсатининг амалий ифодаси бўлиб, халқимиз томонидан инсонийлик ва бағрикенгликнинг юксак намунаси сифатида катта хайрихоҳлик билан кутиб олинди. Ўзбекистоннинг бу борадаги дадил қадамини жаҳон жамоатчилиги ҳам улкан тарихий воқеа сифатида эътироф этмоқда.

Президентимизнинг 2005 йил 8 августда имзоланган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармони талаблари доирасида 2008 йилнинг 1 январидан эътиборан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилганлиги ҳам мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг амалий самараларидан биридир.

Маълумки, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришнинг энг муҳим вазифаси судгача терговбосқичида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича судлар ваколатларини кенгайтириш ва суд назоратини оширишдан иборат. Бу борада, аввалambor, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратура органларидан судларга ўтказиш устувор аҳамият касб этади.

Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш ҳуқуқини судларга босқичма-босқич ва изчил ўтказиш жараёни ҳам, табиийки, муайян тайёргарликлар асосида амалга оширилди. Бунда, айниқса, барча ташкилий-ҳуқуқий масалаларни пухта ишлаб чиқиш ҳамда суд тизими ва у билан боғлиқ бошқа ҳуқуқ-тартибот ва прокуратура органларининг ушбу ўзгартиришларни киритиш учун зарур тайёргарликка эга бўлишига алоҳида эътибор қаратилди.

Бир сўз билан айтганда, бу янгилик Юртбошимиз ташаббуси билан Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ, қонуний чора-тадбирлар тадрижийлик тамойили асосида, изчиллик билан амалга оширилаётганини яна бир бор тасдиқлайди. Мамлакатимизда мутлақо янги суд-ҳуқуқ тизими шакллантирилди, мустақил суд ҳокимиятининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Энг муҳими, мана шундай тарихий воқеалар ҳақида фикр юритганда, мустақилликнинг қадр-қиммати янада яққолроқ намоён бўлади. Зотан, фақат истиқлол шарофати билан юртимизда инсон ҳаёти, ҳуқуқлари олий қадрият даражасига кўтарилди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг конституциявий, ҳуқуқий ва ташкилий тизими барпо этилди. Мамлакатимизни модернизация қилиш, жамиятимизни янгилаш борасида амалга ошираётган кенг қамровли демократик ислоҳотларимизнинг асосий ғояси, асосий мақсади ҳам шу: "Ислоҳот — инсон учун, унинг манфаатлари учун!"

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Форс кўрфазида умумий бозор




Янги йилнинг биринчи кунида Форс кўрфазидаги Араб давлатлари ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлган олти давлат умумий бозор ташкил этганлигини маълум қилди. Бу ҳақда Кенгаш бош котиби Абдулраҳмон ал-Аттиянинг баёнотига асосланиб, «France Presse» хабар тарқатди.

Хабарда айтилишича, янги тузилманинг умумий бюджети 715 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Олти давлат ўртасида нафақат капитал, балки ишчи кучи ҳам эркин ҳаракат қилади.

Кенгаш аъзолари 2010 йилга бориб ягона валютага ўтиш бўйича ҳам келишиб олишган.

## Расман тақиқланди

Хитой ҳукумати 2008 йил бошидан шарм-ҳаёсиз фильмларни суратга олишни расман тақиқлади. «Xinhua» хабарида айтилишича, бундан буён радио, телевидение ва кинода ҳиссиётларни қўзғатувчи товушлардан фойдаланиш ҳам мумкин эмас. Шундай фильм ишлаган режиссёр ёки актёр кино соҳасидаги барча тақдирланишлардан маҳрум этилади. Бундан ташқари, улардан кино ишлаш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳам олиб қўйилади.

## Паст кўрсаткичга тушган



Халқаро валюта жамғармасининг маълумотларига қараганда, долларнинг жаҳон валюта жамғармасидаги захиралари якунланган йилда энг паст кўрсаткичга тушган. Ҳозирда жаҳон валюта захираларининг 63, 8 фоизини доллар ташкил этмоқда. 2007 йили евро захиралари анча кўпайган. Бугунга келиб, Европа Иттифоқи пули захираларининг жаҳон жамғармаларидаги миқдори 26,4 фоизни, Буюк Британия фунт-стерлинги миқдори 4,7 фоизни, Япония иени миқдори 2,7 фоизни ташкил этмоқда.

## Божхона ишламаётгани туфайли

Ҳаж зиёратидан қайтаётган 700 нафар Россия фуқароси ўтган йилнинг 31 декабридан буён Туркиянинг Трабзон шаҳри туришибди. Улар Сочи шаҳридаги божхона хизмати ишламаётгани туфайли ўз ватанларига қайта олмаяптилар.

Матбуот хабарларига қараганда, зиёратчилардан бири Трабзонда вафот этган. «Эхо Москвы» радиостанцияси кеча кечқурун зиёратчиларнинг 327 нафари паром орқали Сочига йўл олгани тўғрисида хабар тарқатди. Қолганлари эса ҳамон божхона очилишини кутиб туришибди.

## Тартибсизликлар оқибати

Кенияда ўтган йилнинг 27 декабрь куни Президент сайлови бўлиб ўтганидан хабарингиз бор. Унда давлат раҳбарлигига номзод Раила Одинга амалдаги Президент Мваи Кибакига ютқазиб қўйган эди. Шундан сўнг Раила Одинга тарафдорлари ҳукуматни сайлов якунларини сохталаштиришда айблаб, мамлакатда тартибсизликлар келтириб чиқаришди.

Амалдаги Президент Кениядаги энг катта кикуйю қабиласи, номзод эса кўпликги жиҳатдан учинчи ўринда турувчи луо қабиласи вакили ҳисобланади. Тартибсизликлар асосан ўша икки қабила вакиллари ўртасида бўлиб ўтмоқда. Сешанба куни тартибсизликлар туфайли черковга яширинган 40 нафарга яқин кикуйю қабиласи вакиллари луо қабиласи томонидан ёқиб юборилган. Сўнгги хабарларга қараганда, икки гуруҳ ўртасидаги зиддият туфайли 263 нафар тинч аҳоли вакиллари ҳалок бўлди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***



# КИЧКИНТОЙЛАРГА БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ

***Хоразмлик кичкинтойлар учун ҳам Янги йил байрами бир олам завқ-шавқ олиб келди.***

Хонқа туманидаги муҳташам киноконцерт залига вилоятдаги «Меҳрибонлик уйлари» ва махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари таклиф этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ҳукуматимиз томонидан ўсиб келаётган ўғил-қизларимиз тарбияси, уларнинг ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб камол топиши учун юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётгани, мамлакатимиз келажаги, Ватанимиз истиқболи ва равнақи ёш авлод қўлида эканини таъкидлаб, кичкинтойларни янги йил билан табрикладилар. Уларга Президент совғалари топширилди.

Янги йил арчаси атрофидаги ўйин-кулги, хурсандчилик, Қорбобо, Қорқиз, севимли эртак қаҳрамонларининг чиқишлари болажонларни хушнуд этди. Янги йил, Ватан, тинчлик ҳақида шеър ва қўшиқлар янгради. Огаҳий номидаги Хоразм вилояти мусиқали комедия театри жамоаси тайёрлаб келган саҳна кўринишлари жажжи томошабинларда унутилмас таассурот қолдирди.

— Болажонларнинг қувончини кўришдан ортиқ бахт борми? — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Хива шаҳридаги 20-«Меҳрибонлик уйи» директори Вера Пак. — Бу юртимизда Президентимиз ташаббуси билан барча ўғил-қизларимизнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, ҳеч нарсадан камчилик кўрмай вояга етиши учун шарт-шароит яратилганидан далолатдир.

Тадбирда Хоразм вилояти ҳокими И. Бобожонов сўзга чиқди.

**Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ,**
***ЎзА мухбири.***






# САХОВАТПЕШАЛАР

***Вобкент туманида истиқомат қилувчи Маҳмуд Идрисов институтда ўқитувчилик қилган кезларида ҳамма унга ҳавас билан қарарди. Аммо тақдир унга шундай шодумон дамларни кўп кўрди. Бирдан икки оёғи ҳам ишламай, тўшакка михланиб қолди.***

Албатта, атрофидагилар қараб тургани йўқ. Фарзандлари, маҳалла аҳли ундан доимо хабар олиб турибди. Лекин чопиб юрган инсон бирдан ётиб қолса, қийин бўлар экан. Дарвоқе, яқинда Маҳмуд аканинг битта ташвиши енгиллашди. «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими унга 185 минг сўмлик ногиронлик аравачасини совға қилди.

— Ён-атрофимизга қарасак, бир оғиз ширин сўздан, озгина мурувватдан боши кўкка етадиган кишилар борлигини кўрамиз, — дейди жамғарма туман бўлими раиси Юнус Бобомуродов. — Яқинда Хайрободча қишлоғида яшовчи тўрт нафар етим болани йўқлаб бордик. Болаларнинг хурсандлигини сўз билан ифодалаш қийин. Уларнинг шодхуррамлигини кўриб, чарчоқни ҳам унутасан, киши. Шунингдек, 44 нафар ногироннинг аҳволидан хабар олиб, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатдик...

**Ҳиммат**

«Маҳалла» жамғармаси Вобкент тумани бўлими инсонлар ташвишини имкон қадар енгил қилаяпти. Умумхалқ ҳашаридан тушган маблағ ҳисобидан 15624 та кам таъминланган, кўп болали оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Боқувчисини йўқотган етим-есирларга, ёлғиз яшовчи фуқароларга, ногиронларга 600 минг сўмлик кийим-бош тарқатилди. Хайрли ишлардан яна бири — ёшларнинг никоҳ тўйларига ёрдам кўрсатилаётганидир. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзанди бўлган 8 нафар келин-куёвнинг бахт тўйига жамғарма 1 миллион 600 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди.

Жамғарма хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Нуроний» жамғармаси туман бўлимлари билан ҳамкорликда оилалар осойишталигини таъминлаш, ёшларни миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи турли тадбирлар ўтказаётгани ҳам диққатга молик. Бунга «Сариосиё» маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган қайнона-келин муносабатлари мавзуидаги давра суҳбатини, маҳалла маслаҳатчилари учун ўзаро тажриба алмашув вазифасини ўтаган қатор семинарларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. «Қайнонам — онам менинг», «Энг намунали маслаҳатчи» кўрик-танловларини ўтказишда ҳам жамғарма бевосита бош-қош бўлди.

Ёшлар таълим-тарбияси, болалар спорти масалалари ҳам назардан четда қолаётгани йўқ. Иккита мактабда компьютер муаммоси жамғарма кўмаги билан ҳал этилди. Туманда болалар ўртасида ўтказилган спартакиада ғолибларини тақдирлаш, ўғил-қизларга спорт либослари олиб бериш учун 720 минг сўм сарфланди.

— Кўлиодина маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи аҳолининг 412 нафарини 7-18 ёшлилар ташкил этади, — дейди Юнус Бобомуродов. — Ана шу ёшларга атаб спорт майдончаси барпо этиш учун бир гектар ер ажратилди. Бу ерда футбол, волейбол ҳамда баскетбол майдончалари ташкил қилинди. «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан умумий миқдори 230 минг 800 сўмлик спорт анжомлари олиб берилди. Ҳозир мажмуада спорт тўгараклари ишлаб турибди.

Жамғарма фаоллари 2008 йилда ҳам савоб ишларни изчил давом эттириш ниятидалар.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***


## ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

## «Ўзбекэнерго» ДАК

**электр энергиясининг барча истеъмолчиларига, шу жумладан, юридик ва жисмоний шахсларга ҳам, 2008 йил учун энергия билан таъминлашга шартномалар тузилиши зарур эканлиги тўғрисида маълум қилади.**

**Амалдаги шартномалар муддати узайтирилмайди.**

**Шартномани тузиш учун электр энергиясининг истеъмолчилари объект жойлашган манзилдаги энергия билан таъминловчи ташкилотга мурожаат қилиши зарур.**

***Шартномалар қуйидаги шартлар бажарилганда тузилади:***

- ***ҳисобга олинадиган ҳисоб-китоб нуқталарида замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатилган бўлса (маиший истеъмолчилардан ташқари);***
- ***2007 йилги шартнома бўйича истеъмолчининг муддати ўтган дебиторлик қарзлари мавжуд бўлмаганда.***

1862П/2287

Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институтига ишга қабул қилиш учун ўқитувчилар

## ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 сентябрдаги «Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-691-сонли Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Сингапур Республикаси) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси билан биргаликда ташкил этилаётган Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтига қуйидаги йўналишлар бўйича ўқитувчиларни ишга қабул қилиш учун танлов ўтказади:

- банк иши;
- бизнесни бошқариш;
- бизнесда замонавий ахборот технологиялари;
- туризм;
- бизнесга доир инглиз тили («Business English»).

***Танловда қуйидаги шахслар иштирок этиши мумкин:***

- *юқорида келтирилган йўналишлар бўйича олий маълумотга эга, инглиз тилини биладиган, IELTS ёки TOEFL имтиҳонларини топширганлиги тўғрисидаги сертификатга эга, илмий унвони ёки даражаси бўлган ёки бўлмаганлар;*
- *илмий-педагогик соҳасида (олий ўқув юртлари, малака ошириш муассасаларида) ёки ишлаб чиқаришда 3 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлганлар;*
- *юқорида келтирилган йўналишлар бўйича чоп этилган илмий мақолалари, маърузалари, дарсликлари ёки ўқув-услубий қўлланмалари мавжуд шахслар.*

**Танловда иштирок этмоқчи бўлганлар ўз ҳужжатларини қуйидаги манзилга юборишларини сўраймиз: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси.**

**Мўлжал — метронинг «Халқлар дўстлиги» бекати.**

**Ариза бериш муддати — ҳужжатлар эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.**

**Маълумот учун телефон: 138-69-68,**
**E-mail: office@uba.uz, Web-сайт: www.uba.uz**

2003Я/2411

ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ ВА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИ ТУРЛИЧА БЎЛГАН КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ

## МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ

**2008 ЙИЛ 3 ЯНВАРДАН 3 ФЕВРАЛГАЧА ҚУЙИДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**гречиха ёрмаси, гўшт ва сабзавот консервалари, гўшт консервалари, балиқ консервалари, думба мойи, сариёғ, сигир сути, арпа ёрмаси, сули ёрмаси, оқланган тариқ ёрмаси (пшено), буғдой ёрмаси, нўхат (горох), қуюлтирилган сут, табиий кофе, шоколад, кофели ичимлик.**




**Тендер ҳужжатларини олиш учун 100 000 сўмни Тошкент шаҳридаги «Ипак йўли» инновация-тижорат банкининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш лозим: 20210000903962263002, МФО 00444, ИНН 202692074, ОКОНХ 80100.**

**Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2008 йил 1 февраль куни соат 17.00 гача.**

**Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 169-88-54, 169-88-02.**


Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Адолат» нашриёти жамоаси нашриёт бош муҳаррири Абдиравуб Сувоновга отаси

**Қаршибой СУВОНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА жамоаси Агентлик хабар узатувчиси Мастура Холиқовага турмуш ўртоғи

**Рихсивой ХОЛИҚОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси Бош таҳририят муҳаррири Рустам Ерлақабовга акаси

**Юсуф БОЙТЎРАЕВнинг**

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзагромашсервис» уюшмаси жамоаси «ЎзКейсСервис» қўшма корхонасининг бош директори Саидаббос Сайдаминовга отаси

**Сайдакмал САЙДАМИНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

*Ўтган йилнинг ноябрь ойида Лондон шаҳрида «Қуръони карим (матни, талқини ва таржималари)» мавзусига бағишланган йирик халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Лондон университети қошидаги Ислом тадқиқотлари маркази томонидан ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган ушбу анжуманда 30 дан ортиқ мамлакатдан келган таниқли исломшунос, қуръоний илмларнинг етук тадқиқотчилари ва шарқшуносларнинг 50 дан зиёд илмий маърузалари тингланди. Биз ҳам «Тошкентдаги Усмон Мусҳаф (қуръони)инининг тарихи» мавзуида маъруза қилдик. Сўнгра ўтган йили Тошкентнинг Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан республика илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси томонидан суратга олинган «Мусҳафи Усмоний» фильми намойиш этилди. 20 дақиқалик бу фильм хорижлик олимларга шу даражада манзур бўлдики, уларнинг кўпчилиги ўз мамлакатларида кўрсатиш учун фильмдан нусхалар кўчириб беришимизни илтимос қилдилар.*

# Нодир мерос

Маълумки, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом вафотларидан кейин салтанатни ўттиз йил давомида бирин-кетин тўрт халифа — Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али ҳазратлари бошқарганлар. Учинчи халифа Умар раҳнамолигида (644-656 йиллар) вужудга келган тарихий зарурат туфайли 650 йилда илк марта Қуръони каримдан кийик терисига куфий хатида олти нусха кўчирилиб, ўша даврдаги ислом динининг марказлари ҳисобланган Макка, Мадина, Бағдод, Басра, Куфа каби шаҳарларга бир нусхадан юборилган. Халифа Умар бир нусхани ўзига олиб қолган.

Орадан бир неча асрлар ўтгач эса ушбу мўътабар нусхалардан бири Амир Темур ҳазратлари томонидан Самарқандга олиб келтирилган эди. Ҳозирда ушбу муқаддас китоб Тошкентда, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланади. Яқинда давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳнамолигида Ҳастимом даҳаси батамом қайта қурилиб, бетакрор мажмуа барпо этилди. Мажмуанинг кўрки бўлган Мўйи Муборак мадрасасида замонавий услубда жиҳозланган махсус мослама ўрнатилиб, бутун мусулмон дунёси учун ноёб ва бебаҳо диний-маънавий бойлик ҳисобланган муқаддас Мусҳаф мана шу жойда мукаммал муҳофаза қилинган ҳолда сақланмоқда.

Анжуман кунларида дунёнинг турли мамлакатларидан келган таниқли исломшунос, шарқшунос олимлар билан мулоқотда бўлдик. Жумладан, туркиялик таниқли олим, Истанбулдаги Ислом тадқиқотлари марказининг профессори Муҳаммад Саид Узурварли жаноблари билан мулоқотимиз ғоятда самарали кечди. Узурварли бизга ўзи тадқиқ қилиб, бундан икки йил муқаддам Истанбулда чоп эттирган самарқандлик таниқли фақиҳ Алоуддин Муҳаммад ал-Усмондийнинг араб тилида ёзилган «Лубоб ал-калом» («Калом илмининг жавҳари») номли асарини туҳфа қилди. Айтиш керакки, Ал-Усмондий ҳақида мутахассисларимизда муайян тушунча бўлса-да, лекин унинг ҳаёти ва илмий-маънавий мероси ҳақида етарли маълумотга эга эмасдик.

**Хазина**

Олимнинг тўлиқ исми Абул Фатҳ Алоуддин Муҳаммад ибн Абдулҳамид ибн Умар ибн Ҳасан ибн Ҳусайн ас-Самарқандий ал-Усмондий бўлиб, ҳижрий 488 (милодий 1098, яъни бундан 910 йил муқаддам) йилда Самарқанднинг Усмонд қишлоғида таваллуд топган (қишлоқ баъзи манбаларда Асманд ёки Саманд каби номлар билан ҳам аталган). Унинг отаси Муҳаммад Абдулҳамид ибн Умар ал-Усмондий Самарқанднинг етук олимларидан саналиб, сўзга чечанлиги ва моҳир ваъзхонлиги билан халқ орасида танилган эди. Ёзма манбаларда ал-Усмондийнинг ҳаёти ҳақида жуда кам маълумотлар келтирилган. У 60 йил умр кўриб, ҳижрий 552 (милодий 1157) йилда Бухорода вафот этган. Айрим муаллифларнинг ёзишича, у фиқҳ илмини устози Ашраф ибн Муҳаммад ал-Алавийдан, ҳадис илмини эса ас-Садр аш-Шаҳид лақаби билан машҳур бўлган Умар ибн Абдулазиз ибн Муоз ал-Бухорийдан ўрганган. Яна манбаларда кўрсатилишича, ал-Усмондий қатор исломий илмларда, айниқса, фиқҳ, ҳадис ва калом илми, шунингдек, турли мазҳаблар ўртасидаги ихтилофларни ўрганадиган махсус соҳа — илм ал-хилоф бўйича етук олим ҳисобланган. Илм аҳллари орасида бўладиган баҳс ва мунозараларда ўзининг чуқур билими, беназир иқтидори ва фавқулодда салоҳияти билан ажралиб турган.

Аллома ҳозирги авлодларга улкан илмий-маънавий мерос қолдирган бўлиб, уларнинг ҳаммаси араб тилида ёзилган. «Хаср ал-масоил ва қаср ад-далоил» («Муайян масалалар ва қисқа далиллар»), «Тариқат ал-хилоф фил фиқҳ байн-ал-аиммат ал-аслоф» («Ўтган алломалар ўртасида фиқҳ илмидаги ихтилофлар»), «Базл ан-назар фил-усул» («Фиқҳ асосларида чуқур назар»), «Таълиқа фил-фиқҳ» («Фиқҳ илмида изоҳ»), «Ал-Амолий» («Имло қилинган масалалар») фикримиз исботидир.

Шулар билан бирга, ал-Усмондийнинг илмий-маънавий меросида «Лубоб ал-калом» («Калом илмининг жавҳари») номли асари салмоқли ўрин эгаллайди. Унинг икки қўлёзмаси Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг қора Чалабийзода бўлимидаги бир неча қўлёзма асарлар жамланган мажмуада (рақами 347) келтирилган. Асарнинг ушбу энг қадимий нусхасида кўп ҳарфлар араб тилига хос бўлган нуқталарсиз настаълиқ хатида хаттот Али ибн Нажмиддин томонидан кўчирилган. Қўлёзманинг охирги варағидаги ёзув нусханинг муаллиф вафотидан кейин қарийб бир ярим аср ўтгач кўчирилганлигини билдиради. Асарнинг Юсуф ибн Байрамбек ибн Исмоил ибн Исо номли хаттот настаълиқ хатида кўчирган иккинчи қўлёзма нусхаси эса Сулаймония кутубхонасидаги Шаҳид Али Пошо бўлимида 1704 рақами остида сақланади.

«Лубоб ал-калом» қимматли манбадир. Муқаддимада «Ҳидоятан лил мубтадий фи тасҳиҳ ал-эътиқод» деб ёзган муаллиф ўз асарини эътиқодни соғломлаштириш, тузатиш йўлида дастлабки қадам ташлайдиганларни ҳидоят йўлига бошлаш мақсадида ёзганлигини таъкидлайди. Зеро, ал-Усмондийнинг ҳаёти ва бой илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш юртимиздан чиққан олимларнинг ислом маданияти ва фалсафаси, айниқса, исломий илмлар ривожига қўшган улкан ҳиссаларини аниқлашдек муҳим ва олийжаноб ишга хизмат қилиши, шубҳасиздир.

**Убайдулла УВАТОВ,**
**тарих фанлари доктори.**

## «ИКРОМ»НИНГ ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙДИ

**Интилиш**

Қонликўллик тадбиркор Марат Алламберганов бундан бир неча йил муқаддам «Пахтабанк»нинг туман бўлимидан 2,5 миллион сўмлик кредит олиб «Икром» хусусий сурахонасини ташкил этган эди. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган мазкур муассасанинг фаолияти яқинда кенгайтирилди. Унинг қошида компьютер курси очилиб, айни пайтда ёшларга малака сирлари ўргатилмоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ.**







**Яхши хабарлар**

### Китоб муаллифи — тадбиркор

*Марғилон ҳунармандчилигини ривожлантириш маркази раҳбари, тадбиркор — ҳунарманд Расулжон Мирзааҳмедовнинг ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси ҳомийлигида «Табиий бўёқлар сири» китоби нашр этилди. Китобда қадимий ва замонавий табиий бўёқчилик усул-услублари ҳақида фикр юритилади.*

*Ўзбек тилидаги ушбу китоб ЮНЕСКО томонидан инглиз ва бошқа хорижий тилларда ҳам нашр этилиб, чет мамлакатларга тарқатиш режалаштирилган.*

**М. МАҲМУДОВ.**

### Чегарачиларга туҳфа

Ватанимиз сарҳадларини кўз қорачиғидай қўриқлаётган чегарачилар ҳузурида бўлиш, улар билан мулоқотлар уюштириш Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши учун яхши анъанага айланган. Яқинда уюшма ходимлари Ватанимизнинг Тожикистон Республикаси билан чегарадош «Андархон» ҳарбий қисмида бўлиб, юртимиз посбонларига замонавий спорт анжомлари туҳфа қилишди.

**Н. СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Чўпонлар ҳузурида

*Нурота туманидаги чўпон овуллари бўйлаб эртак қаҳрамонлари — Қорбобо ва Қорқиз кезмоқда. Қаҳрамонлар чўпон болаларига Янги йил совғалари тортиқ этишаётир. Улар иштирокидаги кўнгилочар томошалар иштирокчиларда катта таассурот қолдирмоқда.*



*Ушбу тадбир тумандаги Файзулла Хўжаев номли наслчилик ширкат хўжалиги маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилди.*

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 57. 48341 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.30 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5 6 7